

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ УМИДЖОН ҲАМИДОВИЧ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
Фойдаланиб ўқитиш методикасини
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фан доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора науки (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (PhD)
on pedagogical sciences**

Ҳайитов Умиджон Ҳамидович

Бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва
ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш
методикасини такомиллаштириш 3

Хаитов Умиджон Ҳамидович

Совершенствование методики обучения с использованием инновационных
технологий в формировании и развитии компетенций учащихся начальных
классов 23

Khayitov Umidjon Khamidovich

Improving teaching methods using innovative technologies in the formation and
development of competencies of primary school students 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ УМИДЖОН ҲАМИДОВИЧ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
Фойдаланиб ўқитиш методикасини
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.Phd/Ped3193 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қаххоров Сиддиқ Қаххорович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳамроев Алижон Рўзиқулович педагогика фанлари доктори (DSc), профессор Мўминов Баходир Болтаевич техника фанлари доктори (DSc), профессор
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги Phd.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “15” “11” соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.

Диссертация автореферати 2022 йил “2” “11” да тарқатилди.
(2022 йил “2” “11” да 9 – рақамли реестр баённомаси).



Б.Р. Адизов
Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси муовини, п.ф.д., профессор

А.Р. Жўраев
Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д (PhD), доцент

Х.О. Жўраев
Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида илм-фан ютуқлари ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, таълимга янгича ёндашувларни жорий этиш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш муносиб келажак барпо этишнинг муҳим омилига айланмоқда. Айниқса, Финландия, Жанубий Корея, АҚШ, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Франция, Япония, Германия, Италия каби таълим тизими ривожланган мамлакатларда инновацион ва рақамли технологиялар асосида ўқувчиларнинг компетенциялари ривожлантирилмоқда. Бунинг учун ўқувчиларга назарий билимларни ўргатиш, амалиётда муваффақиятли қўллашни ўргатувчи компетенцияларни шакллантириш, ташаббусларни ривожлантиришда уларни амалга оширишга ёрдам берадиган таълим муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида таълимни ривожлантириш, ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда замонавий усуллардан фойдаланиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, таълим тизимида инновацион технологиялар ва рақамли технологияларни жорий этиш, таълимда интеграциялашган дарсларни ташкил этишда улардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошланғич синфларда дарсларни инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш дунё олимларининг диққат марказида турган масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни жисмонан соғлом, ақлий ривожланган, мустақил фикрлайдиган, иқтидори ва интеллекти юқори, ҳаётий нуқтаи назарига эга, ватанпарвар шахс қилиб тарбиялаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда. “Ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш: кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда касб танлаш, касбий ўсишини мустақил режалаштириш, замонавий касбларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш; замонавий дарсликлар, ўқув-услугий қўлланмалар учун ахборот-коммуникация технологияларни жорий этган ҳолда мультимедиа иловаларини яратиш; Давлат таълим стандартларида кўзда тутилган компетенциялар ва ўқув жараёнини интерактив бошқариш маҳорати тамойилларига асосланган педагогик фаолиятни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш; ўқув муддатларини ўзгартирмаган ҳолда ўқувчилар томонидан ўзлаштириш компетентлигини таъминловчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш”¹ борасида қатор

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 йилдаги ПФ-5712-сон Фармони.

вазифалар белгилаб олинган. Бу борада ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини шакллантириш, уларнинг ижодий саводхонлигини ошириш ва ривожлантириш; ўз-ўзини англаш, бошқалар билан мулоқотда ўзини тута билиш, ўзгалар фикрини англаш, эркин фикр юритиш, иқтидори ва ўз фикрини дадил баён этишга ўргатиш каби компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун жаҳон тажрибасини ўрганиш, дарсларни инновацион педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, замонавий интерфаол усуллар ҳамда дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда юқори самарадорликка эришиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-3931-сон “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг таълим олишга бўлган қизиқишини ошириш, таълимда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари, ўқитиш самардорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш муаммоларига оид республикаимиз олимлари: А.А. Абдикодиров, М.М. Арипов, У.Ш. Бегимқулов, А.Ғ. Ҳайитов, М.Ҳ. Лутфиллаев, У.Ю. Юлдашев, С.Қ. Турсунов, Ф.М. Закирова, Б.Б. Мўминов, Н.И. Тайлақовлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган; таълимда “компетенция” ва “компетентлик” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, шакллантириш, ривожлантириш масалалари бўйича Н.А. Муслимов, Қ.Т. Олимов, Р. Сафарова, О.А. Қўйсинов, Ж.Э. Усаров, бошланғич синф фанларини ўқитиш самардорлигини ошириш муаммоларига оид мавзуларда Б.С. Абдуллаева, М.Э. Жумаев, Н.У. Бигбаева, Б.Р. Адизов, А.Р. Ҳамроев, Ф.М. Қосимов ва бошқалар изланиш олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ўқувчиларнинг компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикасини такомиллаштириш назарияси ва амалиётига оид муаммоларни Ю.В.Коротина, С.И. Константинова, В.Н. Гуров, С.В. Самыкина, И.А. Зимняя, И.В. Байденко, Т.В. Захарова, В.И. Яблонский, А.В. Хуторской, А.И. Субетто, Д.А. Махотин каби олимлар тадқиқ этган.

Хорижий давлатларда ўқувчилар компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологияларни татбиқ этиш муаммоларига оид тадқиқотлар N.S. Chomsky, N.V. Matyash, M. Meelissen, N.V. Kalininalар томонидан амалга оширилган.

Мазкур йўналишда амалга оширилган ишлардан фарқли ўлароқ, тадқиқотда бошланғич синф ўқувчиларида компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялар (мобиль иловалар ва ўқув платформалари)дан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ қилиш методикасини такомиллаштириш” (2019–2022 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларининг ахборот билан ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш, когнитив фикрлаш компетенцияларини шакллантириш имкониятларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг нутқий ва лингвистик компетенциялари шакллантириш, ижодий фикрлаш, мустақил ишлай олиш компетенцияларини объектив баҳолашни такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг олдиндан тасаввур қилиш, башорат қилиш, гипотезаларни шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш, яратувчанлик, креативлик каби компетенцияларини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини ривожлантиришда ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёни бўлиб, тажриба-синов ишлари учун Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари мактаблари (жами 17 та) танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни, шакли, методи, технология ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мавзуга оид педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, фаолият натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш усуллари, кузатиш, суҳбат, педагогик тажриба-синов, тадқиқот натижаларини математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг ахборот билан ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш, когнитив фикрлаш компетенцияларини шакллантиришда “мустақил билим олиш”, “ўзини-ўзи баҳолаш”, “ўзини-ўзи назорат қилиш”, “ахборотни саралаш”, “салбий ахборотга нисбатан ҳимоя”, “бузғунчи ахборотга қарши кураш”га ўргатишнинг имкониятлари педагогик, психологик ва физиологик жиҳатдан аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш, нутқий ва лингвистик компетенциялари шакллантириш, ижодий фикрлаш, мустақил ишлай олиш компетенцияларини жамоавий ва индивидуаллик асосида объектив баҳолашнинг интегративлигини амалий таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчилар таълим траекториясига оид жараёнларни олдиндан тасаввур қилиш, башорат қилиш, гипотезаларни шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш, яратувчанлик, креативлик компетенциялари ишлаб чиқилиб, ўқув платформаси ва мобил иловалардан фойдаланиш орқали ўқитиш методикаси мазмунан такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини компетенцияларини ривожлантиришда электрон кутубхона, виртуал ва интеллектуал борлик, робототехника, ардуино, масофадан ўқитиш, таълим контентини бошқариш тизимлари, тўлдирилган борлик, ҳисоблаш математикаси, ижтимоий тармоқлар, интернет тижорат, рақамли ахборотлар билан ишлаш ва уларни қайта ишлаш технологиялари ҳамда педагогларнинг дидактик таъминотини яхшилаш, ўқитувчилар ва менторлар учун масофадан ўқитиш, LMS, MOOC курсларининг жорий этиш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда таълим муассасасининг моддий-техник базаси, ўқувчиларнинг мотивацияси, ўқитиш методикасини такомиллаштириш каби омиллар инобатга олган ҳолда ўқитиш жараёнини инновацион технологиялардан фойдаланиб такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурат эканлиги асосланган;

умумий ўрта таълим мактабларининг компьютер, электрон доска, электрон дафтар каби ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда “Plickers”, “Kahoot” дастурлар ҳамда “Best Assistant Teacher”, “Pairing”, “Self-management”

инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган;

Ўқувчиларнинг таъянч ва фанга оид компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқув жараёнида барча ўқувчиларни қамраб олиш, уларни мотивациясини ошириш, ўз-ўзини бошқариш, мустақил билим олиш, билимларини синаб кўриш ва баҳолашга қаратилган математика фани бўйича “Бошланғич синф ўқувчиларининг арифметик билимини синовдан ўтказувчи дастурий таъминот” номли мобиль смарт иловаси ҳамда она тили фанига оид “Бошланғич синф ўқувчилари учун ўқув платформаси”ни ишлаб чиқиш орқали ўқитиш такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг: коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш номли таянч компетенциялари билан бирга “инновацион” компетенциясини шакллантириш, шунингдек, ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид компетенцияларини аниқлашнинг баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, фойдаланилган ёндашув ва усуллар илмий-усулий жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, амалга оширилган таҳлиллар, тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси математик-статистик усуллар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, муҳокамалардан ўтганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилаётган бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялар (интерфаол усуллар, компьютер дастурлари, платформалар ва мобиль иловалар) ёрдамида ўқитиш шакллари, усуллари, материаллари, воситалари, тизимли модели ишлаб чиқилганлиги ва ўқитиш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда тақдим этилган бошланғич таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, бошланғич таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш, машғулотларни инновацион усулда ташкил этиш, ишлаб чиқарилган методик тавсиялардан ўқув режа ва дастурларни ҳамда малака талабларини такомиллаштиришда, дарслик ва ўқув қўлланмалар, ахборот-коммуникация технология воситаларини такомиллаштиришда, бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда

инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар:

ўқувчиларнинг компетенцияларини инновацион технологиялардан фойдаланиб ривожлантириш жараёнини такомиллаштиришда мафкуравий иммунитетнинг “ахборотни саралаш”, “салбий ахборотга нисбатан ҳимоя”, “бузғунчи ахборотга қарши кураш”, “ижобий мотивация”, “ўзини-ўзи назорат қилиш”, “ўзини-ўзи баҳолаш” сингари етакчи ижтимоий-психологик сифатларнинг мотивацион, когнитив ва хулқ-атвор компонентларини ривожлантиришга доир назарий маълумотлардан Бухоро давлат университетининг ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг “Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шакллантирилган даражаларини тадқиқ қилиш услуги” қисмини бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 10 февралдаги 02-101-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг ижтимоий-психологик сифатларнинг мотивацион, когнитив ва хулқ-атвор компонентлари ривожлантирилган;

инновацион технологиялардан фойдаланиб бошланғич синф ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш, нутқий ва лингвистик компетенцияларини шакллантиришга қаратилган “Бошланғич синф ўқувчилари учун ўқув платформаси”, “Таълимда ахборот технологиялари фани электрон дарслиги” асосида ижодий фикрлаш доирасини кенгайтириш, мустақил ишлай олиш қобилиятларини ривожлантиришга оид мобил илова ва дастурий ўқув-методик воситалардан Бухоро муҳандислик технология институтининг 2019-2021 йилларда бажарилган А-5-37 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини ошириш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган (Бухоро муҳандислик технология институтининг 2022 йил 22 февралдаги 02/02-89-192-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш, нутқий ва лингвистик компетенциялари шакллантирилиб, ижодий фикрлаш, мустақил ишлай олиш қобилиятлари ривожлантирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини компетенцияларини ривожлантиришда электрон кутубхона, виртуал ва интеллектуал борлик, робототехника, ардуино, масофадан ўқитиш, таълим контентини бошқариш тизимлари, тўлдирилган борлик, ҳисоблаш математикаси, ижтимоий тармоқлар, интернет тижорат, рақамли ахборотлар билан ишлаш ва уларни қайта ишлаш технологиялари ҳамда педагогларнинг дидактик таъминотини яхшилаш, ўқитувчилар ва менторлар учун масофадан ўқитиш, LMS, MOOC курсларининг жорий этишга оид методик тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сон Фармони ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика

таълим марказининг 2022 йил 20 майдаги 01/11-02/02-735-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини шакллантириш, ақлий саводхонлигини ошириш, ўзини ва ўзгалар фикрини англаш, бошқалар билан мулоқотда ўзини тутиш, эркин фикрлаш, ўз фикрини дадил баён этишга ўргатиш каби компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга эришилган.

Ўқувчилар таълим траекториясига оид жараёнларни олдиндан тасаввур қилиш, башорат қилиш, гипотезаларни шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш, яратувчанлик, креативлик компетенциялари ишлаб чиқилган ўқув платформаси ва мобил иловаларлардан фойдаланиш орқали ўқитиш методикаси мазмунан такомиллаштирилга оид муаллифлик ғоялари “Бошланғич синф математика дарсларида инновацион технологиялар” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи, 233-0335-рақамли гувоҳномаси). Натижада, инновацион технологиялардан фойдаланиб бошланғич синф ўқувчиларининг таянч ва фанга оид компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусига доир 51 та илмий-методик иш, шулардан 1 та ўқув қўлланма, 4 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 11 та мақола (9 таси республика, 2 таси хорижий журналда), 35 та халқаро, республика журналлари ва конференция материалларида мақола ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқот мавзуси бўйича мамлакатимиз ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида тавсифланиб, хорижда ва мамлакатимизда олиб борилаётган тадқиқотларда бунинг ечимларини топишга қаратилган фикр ва имкониятлари ўрганилган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган амалий ишлар, ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш; таълим жараёнида ўқувчиларининг компетенцияларини ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар аниқланиб илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Бугунги кунда жамиятимиз замонавий билим, кўникма ва малакага, турли муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашадиган юқори малакали кадрларга муҳтож. Шунинг учун ҳам таълим олдида катта талаблар қўйиладики, улардан энг муҳими дарсинг самарадорлиги, унинг сифати, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни эгаллаши билан бирга бошланғич синф ўқувчилари компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланишдир. Таълим жараёни ўқувчига билим бериш билан бирга одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатади, оилага, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялайди. Бу ўқувчида ўз-ўзини ишоч, меҳр-оқибат ва инсоний фазилатларни шакллантириш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, муваффақиятга эришиш имконини беради. Чунки таълим-тарбия инсоннинг маънавий юксалиши ва камолотининг асосий омилidir. Шу боис ўқув жараёнини тўғри ва самарали ташкил этишда инновацион технологиялар, техник воситалар, жумладан, замонавий компьютер, видеопроектор, электрон доска, кўргазмали қуроллар, мультимедиа, анимация, графикалар, слайд ва видеороликлар, симуляторлар, мобиль ўйинлар, электрон ва ақли дарсликлардан фойдаланиш жараёнига интеграция қилиш лозим. Бунинг учун ўқитувчи ўз устида ишлаши ва ҳар бир дарсда ўзига “Бугунги дарсни қандай қилиб қизиқарлироқ қилишим мумкин?” деган саволни бериши керак. Яъни анъанавий таълимдан қочиш, инновацион таълимга интилиш бугунги кун талабидир.

Умумий ўрта таълим мазмунининг асосий вазифаларидан бири кадрлар тайёрлаш сифатини давлат таълим стандартлари ва халқаро талабларга мувофиқлаштириш, ўқув жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ишлаб чиқаришни таълим жараёнига самарали интеграциялашдан иборат. Бу вазифаларни амалга оширишда ўқувчиларнинг таълим жараёнида эгаллаган билим,

кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида қўллашга ўргатувчи компетенцияга асосланган давлат таълим стандартларини яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш зарурати юзага келди. Бу борада Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда таълимни ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қатор мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ таянч (коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш, инновацион) ва фанга оид (она тилидан – нутқий ва лингвистик, математикадан – математика мазмунига оид умумий ҳамда когнитив, табиий фан (science) – табиий, ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш-тушунтириш ва бошқа) компетенциялар шакллантирилади.

Бизнингча, **компетенция** – ўқувчи(шахс)нинг эгаллаган билимларини тушуниш иқтидори, уни англаши ва ундан фойдалана олиш қобилияти.*

Таълим сифатини яхшилаш, маълумотларни излаб топиш, йиғиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, кўпайтириш ва тарқатиш каби амалларни бажаришда инновацион технологиялар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларнинг ўрни беқиёс.

Инновацион технология – мақсадга эришиш учун янгича ёндашувга асосланган янги метод ва воситалар мажмуи.*

Таълимдаги инновацион технология – ўқув жараёнида мақсадга эришишга ёрдам берадиган шакл, интерфаол ўқитиш усули, технология ва воситалар ҳисобланади.

Таълим соҳасида инновацион технологиялардан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласида олиб борилаётган ишларга назар солсак, маълумки, таълим – ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, у орқали ўқитувчи ўз билим, кўникма ва малакаларини дарс шаклида ўқувчиларга етказди, ўқувчилар эса уни ўзлаштириш натижасида ундан фойдаланиш компетенцияларига эга бўладилар. Янги билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар таълимнинг турли шаклларида, ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва амалиётда қўллаш жараёнларда фойдаланишлари табиий. Таълимни ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш бошланганига ярим аср ўтган бўлишига қарамай, мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик талаб даражада эмас.

Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичлари (Бухоро вилояти мисолида) куйидаги расмда ўз аксини топган (1-расмга қаранг).

* Муаллиф таърифи.



а)

б)

в)

1-расм. Умумий ўрта таълим мактабларни ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражаси*

Таълимда инновацион технологияларини жорий этиш барча фан ўқитувчиларининг мазкур соҳа бўйича тегишли билимга эга бўлишини тақозо этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланишда ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари саводхонлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш саводхонлигининг ўқувчилар компетенциясини шакллантиришга таъсирини аниқлаш мақсадида аноним сўров ўтказилиш натижасида бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонлиги уни таълимда қўллаш имкониятлари аниқланди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг айрим хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, муаммонинг умумий хусусиятлари, психологик-педагогик, ижтимоий томонлари ўргатилиши, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, уларни ўқитишда жорий этиш каби умумий томонларини ўргатиш лозим. Таълим жараёнида компьютер, видеопроектор, электрон доска каби қурилмалар, савол-жавоб қилувчи, тест ва назорат ишларини олувчи, уларнинг натижаларини аниқловчи, баҳоларни анализ қилувчи (Kahoot, Plickers, Socrative, NearPad, google class) каби дастурий маҳсулотлар барча ўқитувчи учун ҳам муҳим. Бинобарин, бугунги кунда таълим жараёнида замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш ёшларнинг муваффақиятли таълим-тарбия олишининг ишончли кафолатидир.

Диссертациянинг **“Ўқувчилар компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш

* Муаллиф ишланмаси.

ва ривожлантиришда ўқитишнинг ташкилий-педагогик шартлари аниқлаштирилган; ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш тамойиллари илмий асосланган ва таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали ўқитиш методикаси такомиллаштирган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда инновацион технологияларни жорий этишнинг ташкилий-педагогик шартлари ушбу педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти бўлиб, уни тартибли ва муваффақиятли ташкил этиш, бошланғич синф ўқувчиларининг иқтидори ва малакаларини самарали намоён этиш, компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имконият яратади.

Ўқитишга инновацион технологияларни жорий этиш орқали ўқувчиларнинг компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган педагогик муҳит омиллари аниқланди. Таълим жараёнига самарали таъсир этувчи омиллар бошланғич синф ўқувчиларининг компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологияларни қўллаш орқали самарали натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади (2-расмга қаранг).




2-расм. Ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга самарали таъсир этувчи омиллар*

Бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда мавжуд ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, кўзланган натижага эришиш, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш учун таълимнинг предмети ва турига қараб танлаш, шунингдек, таълимда инновацион технология тамойиллари асосида режалаштириш ва уларни ўз ўрнида қўллаш орқали керакли натижага эришиш мумкин. Ўқувчиларнинг компетенцияларини

* Муаллиф ишланмаси

шакллантириш ва ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш тамойилларини асослаб бериш мақсадга мувофиқ (3-расмга қаранг).




3-расм. Инновацион технология тамойиллари*

Таълим жараёнига инновацион технологияларнинг талаб даражасида жорий этилиши ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга олиб келади. Инновацион технологиялардан фойдаланиш когнитив (билиш, тушуниш) ва коммуникатив (идрок этиш ва узатиш) фаолиятни ташкил этишнинг алоҳида шакли бўлиб, унда ўқувчилар ўқув жараёнига жалб қилинади. Улар тушуниш ва фикрлаш қобилиятига эга бўлади, уларда билимни кундалик ҳаётда қўллаш қобилияти ривожланади, кўникма ҳосил қилади. Умумий ўрта таълим мактабларининг боланғич синфлари таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш – таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим олиш мотивациясини кучайтириш, ўз устида ишлаш, мустақил ўрганиш, фикрлаш, хулоса чиқаришга ўргатиш, уларнинг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга имконият беради.

Бошланғич синф дарсларини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш учун ўқитувчи ўз олдида мақсад қўйиши лозим. Дарсларни кимга?, қандай ўтаман?, нимани ўтаман?, қачон ўтаман?, нимадан фойдаланаман?, қандай фойдаланаман?, нимага эришаман? каби саволларни пухта лойиҳалаштирган ҳолда дарсларни ташкил этиши лозим.

Тадқиқот натижасида ушбу саволларга жавоб топилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилди (4-расмга қаранг).

* Муаллиф ишланмаси.



4-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштирилган модели*

* Муаллиф ишланмаси

Ушбу моделдан фойдаланиш таълим вазифаларини бажариш, мақсадга эришиш, ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, барча ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, баҳолаш, улар билан дарсларни самарали ташкил этишни таъминлайди. Бошланғич синф ўқувчилари компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш учун таълимга янгича ёндашиш, инновацион метод ва воситалардан фойдаланишни талаб этади. Ўқитишда инновацион технологияларни танлашда уларни амалга ошириш учун шароит яратиш, хусусан, ўқувчиларнинг ёши, иқтидори, ўқув предмети, дарс мавзуси, машғулот тури, ўқув жараёни вақтини ҳисобга олиш лозим.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчилар компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитишнинг самарадорлиги”** номли учинчи бобида бошланғич синфларда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳамда педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили ва самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов бошланғич синфларда ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёнининг назарий асослари асосида ташкил этилди.

Тажриба-синов ишлари 2018–2021 йилларда уч босқичда (ўрганиш босқичи, амалга ошириш босқичи, яқунловчи босқичи) олиб борилди.

Тажрибада иштирок этувчи ўқувчилар сони аниқланиб, улар тажриба гуруҳи ва назорат гуруҳига бўлинди. Тажриба гуруҳида дарс жараёни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилган бўлса, назорат гуруҳида анъанавий дарслар ўтказилди. Тажриба ва назорат гуруҳи натижалари қуйидаги мезон асосида баҳоланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини аниқлаш мезонлари

Компетенциялар	Баҳолаш усуллари	Баҳолаш кўрсаткичлари	
Таянч компетенциялар	Оғзаки(суҳбат), ёзма, тест, кузатиш, амалий топшириқ	Аъло(1 балл); қониқарли(0,6 балл); қониқарсиз(0 балл); жами(55 балл).	85,1 балдан 100 балгача «5» ривожланган ўқувчига қўйиладиган баҳо
			70,1 балдан 85 балгача «4» қисман ривожланган ўқувчига қўйиладиган баҳо
Фанга оид компетенциялар	Оғзаки(суҳбат), ёзма, тест, кузатиш, амалий топшириқ	Аъло(15 балл(ҳар бир фан бўйича)); қониқарли(7,4 балл); қониқарсиз(0 балл); жами(45 балл).	55,1 балдан 70 балгача «3» шаклланган ўқувчига қўйиладиган баҳо
			0 балдан 55 балгача «2» қисман шаклланган ўқувчига қўйиладиган баҳо.

Таклиф этилаётган методиканинг педагогик тадқиқотларда самарадорлиги тажриба-синов ишлари якунида қайд этилган кўрсаткичларни ўзаро таққослаш орқали асосланади. Натижаларни қайта таҳлил қилишнинг математик-статистик методлари асосида тажриба-синовда иштирок этган ўқувчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳлари натижаларининг ўртасидаги фарқни аниқлаш орқали тадқиқот самарадорлигини баҳоланади. Шу мақсадда тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларининг натижаларини ўзаро таққосланди.

Тажриба якунида танланган гуруҳда бошланғич таълим фанларини инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш самарадорлиги, ўқувчиларнинг компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш даражаси аниқланди. Самарадорликни аниқлаш учун оғзаки, ёзма, тест, кузатиш ва компьютерлаштирилган топшириқлардан фойдаланилди.


Бошланғич синф ўқувчиларининг компетенцияларини ва бошланғич таълим фанларини ўқитиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларининг халқ таълимига қарашли танлаб олинган мактабларнинг бошланғич синфларидан жами 844 нафар ўқувчи, 28 нафар ўқитувчи иштирокида амалга оширилди. Тажриба-синов билим даражаларининг яқинлиги мезони асосида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларидан танланма усул билан тажриба-синов учун тажриба гуруҳига 424 нафар, назорат гуруҳларида 420 нафар (респондент) ўқувчиларнинг натижалари таҳлил қилинди. Бошланғич синф ўқувчиларининг таянч ва фанга оид компетенцияларини қуйидаги натижаларга эришилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тажриба-синов иши бўйича олинган умумий натижалари

Тажриба-синов иштирокчилари	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Нazorат гуруҳлари			
